



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 25 июль, № 156 (7658)

Шанба

Сайтимидаги ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июль куни қатор хорижий давлатлар етакчилари билан телефон орқали мулоқот қилди.

Жумладан, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан суҳбатлар бўлиб ўтди.

Ҳамкор мамлакатлар етакчилари давлатимиз раҳбарини таваллуд қуни билан самимий табриклаб, Ўзбекистон Президенти ва халқига мустақам соғлиқ, тинчлик, фаровонлик ва равақ тиладилар.

Суҳбатлар чоғида икки томонлама муносабатлар ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашишда яқин мувофиқлашувни давом эттириш юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Россия Президенти Владимир Путин билан мулоқотда июнь ойида Москва шаҳрида бўлиб ўтган амалий учрашувда эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Олий даражада бўлажак музокараларни, жумладан, икки томонлама битимлар ва истиқболли ҳамкорлик лойиҳаларини пухта тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий ташкилотлар доирасидаги яқин ҳамкорлик давом эттирилади.

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги яқин қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатларини бартараф этиш борасида икки мамлакат ҳукуматлари, идоралари ва ҳудудлари даражасидаги самарали ҳамкорлик мамнунияти билан қайд этилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни кенгайтиришнинг стратегик вазифалари муҳокама қилинди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан суҳбатда амалий ҳамкорликни устувор йўналишлар бўйича кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги суръатини сақлашга қаратилган бўлажак тадбирлар юзасидан келишиб олдилар.

Ҳукуматлар даражасида иқтисодиётнинг турли тармоқларида

янги кооперация лойиҳаларини илгари суриш бўйича

“Йул харитаси”ни амалга ошириш давом эттирилади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов телефон орқали мулоқотда савдо, энергетика, транспорт ва коммуникациялар, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхтадилар.

Ҳаёл идоралараро мулоқотларнинг самарали натижалари мамнунияти билан қайд этилди.

Давлат раҳбарлари бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан суҳбатда икки томонлама яқин қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларининг жорий ҳолати ва уларни кенгайтириш истиқболлари таҳлил қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликда ижобий суръат сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Қабул қилинган “йул хариталари”ни амалга ошириш борасида саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш, жумладан, икки мамлакат пойтахтлари ва ҳудудлари ўртасидаги истиқболли кооперация лойиҳаларини илгари суриш, қўшма инвестиция компаниясини ташкил этишни жадаллаштиришга келишиб олинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Сооронбай Жээнбеков ўзаро манфаатли ҳамкорликда, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий соҳада яқин ўсиш нуқталарини шакллантиришни Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларининг устувор вазифаси сифатида қайд этилди.

Минтақавий кооперация ҳамда транспорт-коммуникация соҳасидаги йирик лойиҳаларни илгари суриш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш масалаларини ҳам кўриб чиқдилар.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан суҳбатда икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Бугунги Ўзбекистон — Туркия мулоқоти юксак даражада ва самарали кечаётгани катта мамнунияти билан қайд этилди.

Давлат раҳбарлари жорий йил февраль ойида Анкара шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувда эришилган келишувларни кенг қўламини амалга ошириш муҳимлигини қайд этидилар.

Савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида ўтказилган ҳукуматлараро мулоқотларга муҳим эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Туркия етакчисига пандемияга қарши курашда кўрсатилаётган кўмак учун миннатдорлик билдирди.

Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан суҳбатда мамлакатларимиз стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустақамлашга хизмат қилаётган парламентлараро алоқалар ва алмашинувлар анча фаоллашгани қайд этилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Россия парламентлари вакиллари савдо-иқтисодий, инвестицион, фан ва таълим, маданий-гуманитар соҳалардаги қўшма дастур ва лойиҳаларни, жумладан, мамлакатларимиз ҳудудларининг улкан салоҳиятини самарали ишга солиш орқали тайёрлашда фаол иштирок этишга тайёр.

Президент Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар раҳбарлари, таниқли давлат ва жамоат арбобларидан қўлловлар келган.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ўз мактубида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётгани, мустақам дўстлик ришталарини ғоят кадрлаштини таъкидлаган. Хитой раҳбари давлат таширфи билан Ўзбекистонга келишни режалаштираётганини, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатидан яқин босқичга олиб чиқишга тайёрлигини билдирган.

Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин коронавирус пандемиясига қарамай давом этаётган фаол мулоқот ва алмашинувлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларининг ҳақиқий аҳамиятидан далolat бераётганини таъкидлаган.

Жанубий Корея раҳбари яқин ҳамкорлик туфайли мамлакатларимиз инқирозни енгиб ўтиши ва икки томонлама алоқалар яқин тараққийёт даражасига етишига ишонч билдирган.

Қуйидагилар ҳам самимий табриқлар йўллаган:

- Ҳиндистон Республикаси Бош вазири **Нарендра Моди**;
- Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;
- Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**;
- Молдова Республикаси Президенти **Игорь Додон**;
- Украина Президенти **Владимир Зеленский**;
- Эрон Ислоом Республикаси Президенти **Ҳасан Рухоний**;
- Сербия Республикаси Президенти **Александр Вучич**;
- Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Михаил Мишустин**.

Қўлловлар келиши давом этмоқда.

(Давоми 2, 3-бетларда.)

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Таваллуд топган куним муносабати билан чин дилдан табриклаб, самимий қўллов ва эзгу тилакларни йўлаган давлат ва ҳукумат бошлиқларига, хорижий сиёсат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарларига, ишбилармон доиралар вакиллари, жумладан, туркистонлик маҳаллалар ва меҳнат жамоаларига, турли касб эгалари бўлган барча ватандошларимизга чуқур миннатдорлигимни ихсоз этман.

Менинг шайнимга билдирилган, мен учун ғоят қадри бўлган ушбу табриқ ва тилакларини, авваломбил, Ўзбекистон халқи ва давлатига юксак ҳурмат ва эҳтиром, мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунига бўлган ишонч ифодаси сифатида қабул қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, меҳнатсевар, бағрикенг ва олижаноб халқимизга яна бир бор чин қалбимдан фарзандлик меҳрини ва ҳурматини билдираман.

Кўп миллатли халқимиз билан бирга бугунги мураккаб синовлардан муносиб ўтиб, жолажон Ўзбекистонимиз равақ ва эл-юртимиз фаровонлиги йўлида олдимизга қўйган улкан мақсадларга албатта етамиз, деб ишонаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ҚУРБОН ҲАЙТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон Ҳайити моҳиятида мужассам бўлган хайру саховат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик сингари азалий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, халқимизнинг эзгу ният ва орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йилда Қурбон Ҳайитининг биринчи кунини **31 июль — жума** кунига ўтказиш ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2020 йил **31 июль** Қурбон Ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қурбон Ҳайитининг **қарантин талабларига риоя қилган ҳолда**, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мис равишда ўтиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон Ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни ёритиш тасвია этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 24 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ОДИЛ СУДЛОВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси яқин босқичга чиқди.

Хусусан, ноҳақ айбланган 2,3 мингга яқин киши оқланди, адашиб жиноят йўлига кириб қолгани сабабли озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниши мумкин бўлган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга маҳалла ва жамоатчилик кафиликлари асосида энгилпрок жазолар тайинланиб, ўз оилалари бағрида қолдирилди, инсон ҳуқуқларини қўпола тарзда бузган 60 нафар ҳуқуқ-тартибот органи ҳодимлари жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу билан бирга, суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқлар сақланиб қолаётганилиги, суд қарорларини қайта кўришининг бир-бирини тақорловчи босқичлари мавжудлиги, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар суд органларининг амалдаги тузиллишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизmlарини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Судьялар олий кенгаши ва судьялар ҳамжамияти билан биргаликда қонунчилик ташаббуси асосида **суд тизи-**

мида 2021 йил 1 январдан бошлаб **қуйидаги ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишни** назарда тутуви қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин: вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов хайъатларини ташкил этган ҳолда **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умуворисдикция судларини ташкил этиш**;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш;

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қоллиниши; Амударё, Нуробод, Бойсун ва Пастдарғом туманлари иқтисодий судларини тугатиш;

фуқаролик ишлари бўйича Янгийўл туманлараро судини, фуқаролик ишлари бўйича Ургут, Сўх, Хатирчи, Пахтакор туманлари судларини, Пастдарғом туманлараро иқтисодий судини, жиноят ишлари бўйича Бўзотов, Тахياتош, Бандихон, Тупроққалъа туманлараро судларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий малака хайъатининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари малака хайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқини бериш.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура-си ва Адвокатлар палатасининг 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни жорий этишни назарда тутувчи тақлифлари маъқуллансин:

а) **суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш**, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг хал қилув қарорлари, ҳукми, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқини бекор қилиш;

б) жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишларини умумий тартибда кўриб чиқишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки аштитув босқичини киритиш;

в) қуйидаги тартибларни жорий этиш: туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов хайъатлари томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш;

апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов хайъатлари томонидан қасция тартибида қайта кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов хайъатлари томонидан қасция тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарлари протестига кўра қасция тартибида тақоран кўриб чиқиш; давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш;

прокурор томонидан суднинг қонуний қучга кирган ҳукми, хал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан қақриб олиб ўрганиш; қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг Олий суд тузилмасида **инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркибининг** (кейинги ўринларда — Судлов таркиби) **тузиш** ҳақидаги тақлиф маъқуллансин.

Судлов таркибига инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар (кейинги ўринларда — йирик инвесторлар) ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати берилсин.

Белгилансинки: инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши; қолган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкин.

(Давоми 3-бетда.)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Инновацион фаолият тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

янги ишланма – мавжуд ўхшаш интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан янги белгиларга эга бўлган, амалда қўллаш мумкин бўлган ва амалиётда ундан фойдаланганда катта ижтимоий-иқтисодий самарга эришишни таъминлай оладиган интеллектуал фаолият натижаси (ишлаб чиқариш, маъмурий, тижорат ёки бошқа хусусиятга эга янги ёки мукамал технология, хизмат ва ташкилий-техник ечим).

4-модда. Инновацион фаолиятнинг асосий принциплари

Инновацион фаолиятнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

инновацион фаолиятнинг эркинлиги;
инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан тенг фойдаланилишини таъминлаш;
инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ошқоралиги ва аниқ йўналтирилганлиги;
рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш;
ахборотни эркин алмашиш;
инновацион фаолият натижасида яратилган интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;
фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига, атроф-муҳитга зарар etkazмаслик.

2-6б. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш

5-модда. Инновацион фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Инновацион фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:
инновацион ривожлантиришнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминлаш;
инновацион фаолият соҳасидаги устувор йўналишларни белгиллаш, шу жумладан технологик тараққиётни прогнозлаштириш асосида белгилаш;
инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш;
инновацион фаолият субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
инновацион фаолият соҳасидаги республика, тармоқ ва ҳудудий давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
инновацион фаолиятга инвестицияларни жалб этишга қўмаклашиш;
инновацион фаолият соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;
инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;
инновацион фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъҳамасининг инновацион фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъҳамаси:
инновацион фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;
инновацион ривожлантириш стратегияларини амалга ошириш бўйича фаолиятнинг шакллантирилиши ва мувофиқлаштирилишини таъминлайди;
иқтисодийё тармоқларини ва ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишларини тасдиқлайди;
инновацион ривожланиш учун зарур шарт-шароитлар яратида;
инновацион ривожлантиришнинг мақсади қўрсаткичларига эришилишини баҳолаш мезонларини тасдиқлайди;
янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва технологиялар трансфери учун зарур шарт-шароитлар яратида;
инновацион фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъҳамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Инновацион фаолият соҳасидаги ваколатли давлат органининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги инновацион фаолият соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буюн матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:
инновацион фаолият соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;
давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳўқимияти органларининг инновацион фаолият соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;
инновацион ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
инновацион фаолият соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳўжатларни ишлаб чиқади;
инновацион фаолият хавфларини баҳолаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;
мамлакатнинг инновацион ривожланиш ҳўлати таҳлилини амалга оширади;

инновацион фаолият субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади;
инновацион лойиҳаларнинг давлат экспертизаси ташкил этилишини таъминлайди;
ягона давлат бюуротмаси сифатида инновацион лойиҳаларни шакллантиради; тасдиқлайди ва молиялаштиради;
инновациялар яратиш учун давлат бюуртмаси доирасида инновацион лойиҳаларнинг бажарилишини мониторинг қилади ва бажарилиш самардорлигини баҳолашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган технологиялар трансферига оид шартномаларни рўйхатдан ўтказида;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳўқимияти органларига ва бошқа ташкилотларга молиялаштириш учун янги ишланмаларни тавсия қилади;
янги ишланмаларни тижоратлаштиришни молиялаштиради ва технологиялар трансферига қўмаклашади;
инновацион фаолият субъектларини ташкил этиш ва ривожлантиришга қўмаклашади, инновацион фаолият натижаларини жорий этишга доир самарали механизмларни шакллантиради;
инновацион фаолият субъектлари учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил қилишда иштирок этади;
инновацион фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ваколатли давлат органи қонун ҳўжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Давлат бошқаруви органларининг инновацион фаолият соҳасидаги ваколатлари

Давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:
инновацион фаолият соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;
инновацион фаолият тўғрисидаги қонун ҳўжатларининг ижросини таъминлайди;
инновацион лойиҳаларни шакллантириш, молиялаштириш ва амалга оширишда иштирок этади;
ваколатли давлат органи билан келишилган ҳўлда инновацион фаолият соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;
тегишли ҳудудда инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратида;

ваколатли давлат органининг тавсиясига кўра ёки ўз ташаббуси билан инновацион фаолиятни, шунингдек янги ишланмаларни тижоратлаштиришни ва технологиялар трансферини молиялаштиради.

Маҳаллий давлат ҳўқимияти органлари қонун ҳўжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳўқимияти органлари:
тегишли ҳудудда инновацион фаолият соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;
тегишли ҳудудда инновацион лойиҳаларни шакллантириш, молиялаштириш ва амалга оширишда иштирок этади;
ваколатли давлат органи билан келишилган ҳўлда инновацион фаолият соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;
тегишли ҳудудда инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратида;

ваколатли давлат органининг тавсиясига кўра ёки ўз ташаббуси билан инновацион фаолиятни, шунингдек янги ишланмаларни тижоратлаштиришни ва технологиялар трансферини молиялаштиради.

Маҳаллий давлат ҳўқимияти органлари қонун ҳўжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш

Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш инновацион фаолиятни амалга оширувчи субъектлар учун зарур ҳўқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш, инновацион лойиҳалар ҳамда янги ишланмаларни молиялаштириш мақсадида амалга оширилади.

Давлат инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашни қуйидаги йўллар билан амалга оширади:

инновацион ривожлантириш стратегияларини қабул қилиш ва амалга ошириш;
инновацион фаолият соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
инновацион фаолият субъектларига солиқ, божхона имтиёзлари ва преференциялар бериш;
Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳўжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан инновацияларни яратишга оид давлат бюуртмасини бажариш;
инновацион фаолиятни молиялаштиришга ҳўжалик юритувчи субъектлар маблағларини жалб қилиш учун шарт-шароит яратиш;
илм-фан ютуқларига асосланган махсўлотнинг ва илгор технологияларнинг қафолатланган тарзда татиёқ этилишини таъминлаш мақсадида уларнинг давлат харидларини ташкил этиш;
инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга қўмаклашиш.

11-модда. Инновацион ривожлантириш стратегиялари

Инновацион ривожлантириш стратегиялари дунё илм-фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ишланмалар ва технологиялар асосида инсон капиталини, мамлакатни жадал ривожлантириш, инновацион фаолият соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.
Инновацион ривожлантириш стратегиялари ўрта мuddатли ва узоқ muddатли даврлар учун қабул қилиниши мумкин.
Инновацион ривожлантириш стратегиялари давлат ва жамият олдйда турган комплекс мақсад ва вазифаларни, тегишли даврга мўлжалланган мақсадли қўрсаткичларни, шунингдек уларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаларини белгилайди.

Инновацион ривожлантириш стратегияларининг лойиҳалари ваколатли давлат органи томонидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳўқимияти органларининг, илмий ташкилотларнинг, тадбиркорлик субъектларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва экспертларнинг тақлифлари асосида ишлаб чиқилади.

12-модда. Инновацияларни яратишга доир давлат бюуртмасини шакллантириш

Инновацияларни яратишга доир давлат бюуртмасини шакллантириш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, вазирликлар, идоралар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар тақлифлари асосида ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Инновацияларни яратишга доир давлат бюуртмаси доирасида бажариладиган инновацион лойиҳаларни танлаб олишнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат:
импорт ўрнини босишга ва экспортга йўналтирилган ёки сифатни такомиллаштиришга, жорий этишга тайёр бўлган мавжуд махсўлотлар ва технологиялар таннархини пасайтиришга қаратилган янги миллий махсўлотлар ва технологиялар ишлаб чиқилишини, шу жумладан янги иш ўринлари ташкил этиш ва маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳўлда таъминлаш;

тажриба, экспериментал намуналардан, технологиялардан, асбоб-ускуналардан, материаллардан, буюмлардан ва бошқа илмий ишланмалардан келгусида амалда фойдаланиш мақсадида уларни конструкция қилиш, тайёрлаш ҳамда синовдан ўтказиш билан боғлиқ тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш;
илм-фан ютуқларига, юқори технологияга асосланган махсўлот намуналарини ёки прототипларини тайёрлашни тугаллаш ва (ёки) илм-фан ютуқларига асосланган махсўлотни ишлаб чиқаришини тайёрлаш ва (ёки) хизматларни (тиббий, моливий, ахборотга оид ва бошқа хизматлар) иқтисодийётегнинг тегишли тармоғига, ижтимоий соҳага, банк-молия секторига жорий этиш учун уларнинг тажриба-синовини ўтказиш ва бошқалар.

Инновацион лойиҳаларни инновацияларни яратишга доир давлат бюуртмаси доирасида амалга оширишнинг энг кўп muddатти икки йилдан ошиши мумкин эмас.

Инновацион фаолият инновацияларни яратишга доир давлат бюуртмаси доирасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган тақдирда, уларнинг натижалари давлатга тегишли бўлади.

13-модда. Инновацион лойиҳаларнинг техник ва илмий экспертизалари

Инновацион лойиҳаларнинг техник ва илмий экспертизалари инновацион лойиҳаларнинг амалий аҳамиятини, илмий-технологик даражасини ҳамда иқтисодий самарадорлигини комплекс баҳолаш, уларни молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги ва ҳажми тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади.
Техник ва илмий экспертизаларни ўтказиш жараёнида иштирокчиларнинг мустақиллиги ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганилиг, экспертлар натижаларининг холислиги, очкилиги таъминланиши керак, давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно.

Техник ва илмий экспертизалар инновацион лойиҳани амалга ошириш учун бажарилаётган ёки тақлиф этилаётган йўналишга мувофиқ бўлган мутахассисларни жалб этиш орқали ўтказилади.

Техник ва (ёки) илмий экспертизаларни ўтказиш мuddати экспертизалар натижаларидан шахсан манфаатдор бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Техник ва (ёки) илмий экспертизаларни ўтказишда иштирок этган ҳамда қабул қилинган ҳулосадан норози бўлган эксперт мазкур ҳулосага ўзининг асослантирилган фикрини илова қилишга ҳақлидир.

Техник экспертиза лойиҳага оид талабномани тақдим этилган ҳўжатлари белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлашга, шунингдек лойиҳага оид талабнома бўйича тақдим этилган ахборотни идрок этиш ва таҳлил қилишнинг бузилишига олиб келадиган хатоларни аниқлашга қаратилган фаолиятдир.

Техник экспертизани ўтказиш muddати лойиҳага оид талабнома олинган пайтдан эътиборан ўн беш календарь кундан ошмаслиги керак.

Техник экспертиза қуйидаги тартиб-таомилларни ўз ичига олади:
лоийҳага оид талабноманинг тўлиқ ва тўғри расмийлаштирилганилигини, шунингдек зарур имзолар, мўхрлар ва штампларнинг мавжудлигини текшириш;
берилган лойиҳага оид талабномага ўхшаш бўлган, илгари амалга оширилган лойиҳаларнинг мавжудлигини текшириш ва лойиҳага оид талабномаларнинг тақдорлицини аниқлашни;
тақдим этилган моливий-иқтисодий ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини аниқлашни;
лоийҳага оид талабномада кўрсатилган маълумотларни текширишни, техник хатолар ва ноаниқликларни аниқлашни;
ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган лойиҳаларни техник экспертизадан ўтказиш регламентига мувофиқ бошқа тартиб-таомилларни.

Илмий экспертиза инновацион лойиҳа бўйича асосланган қарор (ҳулоса) қабул қилиш мақсадида инновацион лойиҳанин илмий ангилгини, долзарблиги ва амалий аҳамиятини ўрганишга, шу жумладан илмий жамоянинг илмий-услубий салоҳиятини, моддий-техника базасини таҳлил қилиш ҳамда баҳолашга қаратилган фаолиятдир.

Илмий экспертизани ўтказиш muddати лойиҳага оид талабнома олинган пайтдан эътиборан ўттиз календарь кундан ошмаслиги керак.

Илмий экспертизани баҳолаш мезонлари қуйидагилардан иборат:

илм-фан ютуқларига асосланган махсўлот ишлаб чиқаришини тайёрлаш (ташkil этиш), ушбу махсўлотнинг импорт ўрнини босиши ва (ёки) экспортга йўналтирилганиги бўйича салоҳиятини баҳолаш учун илмий-техник ҳўжатларни ишлаб чиқишни режалаштиришни назарда тутувчи лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар;

лоийҳани тижоратлаштириш истикболлари;
инновация объектига бўлган талаб даражаси;
интеллектуал мулк объектларига доир муҳофаза ҳўжатларининг мавжудлиги;
лоийҳа ижроқилинда илмий-техник ёки инновацион фаолиятни амалга ошириш бўйича тегишли тажрибидан ва тажриба-конструкторлик ишлари натижаларининг мавжудлиги;
ишлаб чиқариш базасининг технологик жиҳатдан таъминланганлик даражаси.

Илмий экспертизани ўтказишга хорижлик мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Инновацияларни яратишга доир давлат бюуртмаси доирасида бажариладиган инновацион лойиҳалар илмий ва техник экспертизадан ўтказилиши назарда тутувчи мажбурий давлат экспертизасидан ўтказилиши лозим.

Давлат илмий ва техник экспертизалари ваколатли давлат органи томонидан ўтказилади.

14-модда. Инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўмаклашиш

Давлат инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ҳамда амалга оширишга:
инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлашга доир давлат бюуртмаларини шакллантириш;
инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлашга, қайта тайёрлашга ҳамда уларнинг малакасини оширишга доир давлат талаблари ва стандартларини ишлаб чиқиш;
инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи нодавлат таълим ташкилотлари, касб-хунар таълими марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
илм-фан ва техника ютуқларини тарғиб қилиш;
ёшларнинг техник ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш ва уларни касб-хунарга йўналтириш орқали қўмаклашади.

Давлат инновацион тадбиркорлик соҳасида кадрларни тайёрлашга иختиссослашган давлат таълим ташкилотлари фаолиятига моливий ёрдам кўрсатади.

3-6б. Инновацион фаолиятни амалга ошириш

15-модда. Инновацион фаолият субъектлари

Инновацион фаолият субъектлари қуйидагилардан иборат:
инновацион фаолиятни амалга оширувчи жисмоний шахслар;
инновацион фаолият соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар;
ташклий-ҳуқуқий шаклидан ва мулкчилигидан қатъи назар, янги ишланмаларни яратадиган, жорий этадиган ва инновациялардан фойдаланадиган илмий, илмий-тадқиқот, олий таълим, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар;
инновациялар ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчилар манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари;
инновацион фаолият жараёнида амалга ошириладиган ва фойдаланиладиган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқ эгалари;
инновацион фаолиятга инвестиция қилишни амалга оширувчи инвесторлар ва тадбиркорлик субъектлари.

16-модда. Инновацион фаолият субъектларининг ҳуқуқлари

Инновацион фаолият субъектлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:
усуллари, техник воситаларини ва асбоб-ускунани мустақил равишда танлаган ҳамда қўллаган ҳўлда эркин инновацион фаолиятни амалга ошириш;
инновацион фаолиятни якка тартибда ёки жамоавий асосда амалга ошириш;
инновацион лойиҳалар танловларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инновацион лойиҳалар танловларида иштирок этиш;
инновацион фаолият хавфларини мустақил белгилаш ва баҳолаш, уларни баҳолаш ҳамда камайтириш усулларини танлаш;
инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган илмий, технологик, статистикага оид ва бошқа ахборотни олиш, давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно;
интеллектуал мулк объектлари яратилган ҳолларда, уларнинг муаллифлари ёки ҳуқуқ эгалари деб эътироф этилиш, шунингдек интеллектуал мулкни ҳўқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш;
қонун ҳўжатларида назарда тутилган солиқ, божхона имтиёзларидан ва преференциялардан фойдаланиш;
инновацион фаолият давомида ўзлари олган натижаларни, агар улар давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олман бўлса, эълон қилиш.
Инновацион фаолият субъектлари қонун ҳўжатларига ва тузилган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17-модда. Инновацион фаолият субъектларининг мажбуриятлари

Инновацион фаолият субъектлари:
инновацион фаолиятни амалга ошириш чоғида қонун ҳўжатлари талабларига риоя этиши;
Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш доирасида яратилган янги ишланмаларнинг белгиланган тартибда тижоратлаштирилишини таъминлаши;
инновацион фаолиятга йўналтириладиган маблағлардан мақсадили фойдаланиши;
фуқароларнинг ҳаётига ва соғлигига, атроф-муҳитга зарар etkazмаслиги;
интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича талабларга риоя этиши шарт.

Инновацион фаолият субъектларининг зиммасида қонун ҳўжатларига ва тузилган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Инновацияларнинг турлари

Инновациялар қуйидаги турларга бўлинади:
махсўлотга оид инновациялар – техник ва технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган махсўлотни (ишларни ва хизматларни) ишлаб чиқишга ҳамда жорий этишга қаратилган инновациялар;

жараёнга оид инновациялар – техник ва технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган ишлаб чиқариш ёҳуд таълим усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга, шунингдек технологиялар трансферини амалга оширишга қаратилган инновациялар;

маркетингга оид инновациялар – махсўлотларнинг дизайни ва кадокларигади ўзгаришларни қамраб олувчи янги ёки такомиллаштирилган усулларни жорий этишга, махсўлотни (ишларни ва хизматларни) сотиш ва тақдим этишининг янги усулларидан фойдаланишга, янги нархлаш стратегияларини шакллантиришга қаратилган инновациялар;
қийлиий инновациялар – бизнесни ташкил этиш ва юритиш, иш ўринларини ташкил этиш ва ташқи алоқаларни йўлга қўйишнинг янги ёки такомиллаштирилган усулларини жорий этишга қаратилган инновациялар.

19-модда. Инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфлари, уни баҳолаш ва камайтириш усуллари

Инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфлари – инновацион фаолият мақсадига эриша олмаслик, шу жумладан инновацион лойиҳанин бажарилмаслиги эҳтимоллидир.

Инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфлари сиёсий, ташкилий, моливий, бозорга, тижоратга, саноатга, инвестицияга ва экологияга оид бўлиши мумкин.

Инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфлари инновацион фаолият субъектлари томонидан мустақил тарзда ёки тузиладиган шартномаларга мувофиқ бошқа шахслар томонидан аниқланиши ва баҳоланиши мумкин.
Инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфларини баҳолаш эҳтимол тутилган зарарни камайтириш ёки унинг олдини олиш мақсадида, шу жумладан инновацион лойиҳани молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлигига доир асосланган қарор қабул қилиш учун ўтказилади.

Инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфларини камайтириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:
инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфларини инновацион фаолият субъектлари ва давлат ўртасида тақсимлаш;
ресурсларни бошқа инновацион лойиҳалар ўртасида қайта тақсимлаш;

инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфларининг ўрнини қоплаш учун сўзурта қилиш механизмларидан фойдаланиш.
Инновацион фаолият хавфларини баҳолашда йўқотилган фойда ҳисобга олинмайди.

Инновацион фаолият субъектлари инновацион лойиҳанинг ўзига ҳок техникавий ёки иқтисодий хусусиятларидан ва лойиҳанин амалга оширилишидан келиб чиққан ҳўлда инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфларини баҳолашга ҳаққи.

20-модда. Технологиялар трансферининг устувор йўналишлари ва усуллари

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Инновацион фаолият тўғрисида

(Давоми. Бошланishi 1, 2-бетларда).

инновацион технопаркнинг илмий, илмий-техникавий ва инновацион фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа хизматлар кўрсатиш (ишлари бажариш).

Резидентлардан лаборатория асбоб-ускуналарининг, ишлаб чиқариш, офис хоналарининг ва бошқа хоналарнинг ижараси, кўрсатиладиган хизматлар учун келиб тушадиган маблағлар тўлиқ ҳажмда инновацион технопарк тасарруфида қолади.

Инновацион технопаркнинг фаолият кўрсатиш мuddати ўттиз йилгачани ташкил этади, кейинчалик бу мuddат узайтирилиши мумкин.

Инновацион технопарк резидентининг мақоми танлов асосида ўн йил мuddатга берилади.

Инновацион технопаркнинг резидентлар билан муносабатлари улар ўртасида тузиладиган инновацион фаолиятни амалга оширишга доир шартномалар асосида ташкил этилади.

Инновацион технопаркка ҳамда унинг резидентларига қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ, божхона имтиёзлари ва преференциялар белгиланиши мумкин.

Инновацион технопаркни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Инновацион технопаркнинг фаолияти ваколатли давлат органи томонидан мувофиқлаштирилади.

27-модда. Технологийлар трансфери маркази

Технологиялар трансфери маркази технологиялар трансферини ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштиришни таъминлаш мақсадида ташкил этилган юридик шахсдир.

Технологиялар трансфери маркази фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан ibорат:

янги ишланмаларни илгари суриш ташкилий-техникавий имкониятларини аниқлаш бўйича бозор конъюктураси тадқиқотларини ўтказиш; муҳандислик-маслаҳат ва лойиҳа (инжиниринг) хизматлари кўрсатиш;

бизнес-режалар тайёрлаш бўйича хизматлар кўрсатиш; инвестицияларни жалб қилиш; технологиялар трансфери билан боғлиқ ахборотни тарқатиш.
Технологиялар трансфери марказини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

28-модда. Инновацион кластер

Инновацион кластер тегишли ҳудудда инновацияларни яратишда иштирок этувчи инновацион фаолият субъектларининг, инновацион фаолият натижалари истёмољчиларининг йиғиндиси сифатида юридик шахс ташкил этмасдан тузилади ва ушбу субъектларнинг, истёмољчиларнинг асосий мақсади самарали ҳамкорлик қилишдан, қувватлардан биргаликда фойдаланишдан ҳамда билимлар, кўникмалар алмашишдан, шунингдек технологиялар трансферига улушни таъминлаш орқали инновацион фаолиятни рағбатлантиришдан ibорат бўлади.

Инновацион кластер фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан ibорат:

муайян инновацияларни яратиш, шунингдек бозор эhtiёжларини қаноатлантириш учун илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳасидаги инновацион фаолият субъектларининг салоҳиятини бирлаштириш;

инновацион кластерлар фаолиятига тааллуқли бўлган кадрларни тайёрлашга ва қайта тайёрлашга, шу жумладан инновацияларни яратишга доир бюортумаларни шакллантириш; янги ёки аяхшилган ишланмаларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги тармоқлар ва корxonалар ташкил этишга кўмаклашиш;

инновацион фаолият натижаларини биргаликда бозорда илгари кўрсатиш;

Инновацион кластер иктисодиёт эhtiёжларидадан келиб чиққан ҳолда, инновацион фаолият субъектларининг ўзаро манфаатдорлиги асосида ташкил этилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг қарори бўйича тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ОДИЛ СУДЛОВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида **қуйидаги таркибий тузилма (лавозим)лар киритилишига** розилик берилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида:

Олий суд бошқармалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига ҳисобдор бўлган, Олий суд раисининг тақдимномасига асосан Олий суд Пленуми томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари лавозими;

Суд-хуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси;

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси;

б) вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди ва Молия вазирлигининг Судьялар олий мактаби Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш марказини тугатиш ҳисобидан бўшаётган 9 та штат бирликлари Олий суд тузилмасида ташкил этилаётган Суд-хуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасини шакллантиришга йўналтирилади.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактабининг Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш марказини тугатиш ҳисобидан бўшаётган 9 та штат бирликлари Олий суд тузилмасида ташкил этилаётган Суд-хуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасини шакллантиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари, бошқарма бошлиқларига нисбатан Олий суд судьялари учун белгиланган, Олий суднинг бошқарув ходимлари таркибига киритилган бошқа ходимларига нисбатан эса, вилоят судлари судьялари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилсин.

Бунда қайд этилган шартлар фақат муқаддас судьялик лавозимида ишлаган шахсларга нисбатан қўлланилиши, ушбу шахсларнинг шу лавозимларда ишлаган вақти судьялик стажига қўшилиши ва пенсия тайинлашда ҳисобга олиниши инобатга олинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси 2020 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Судьялар олий кенгаши, Олий суди, қуйи суд тизими судьялари, Судьялар олий мактаби ва уларнинг аппарати ходимлари, Олий суд хузурида-

29-модда. Венчур ташкилотлар, фондлар, ширкатлар

Асосий фаолият тури хавфли инновацион лойиҳалар амалга оширилишни молиялаштиришдан ibорат бўлган ҳам юридик шахс шаклида ташкил этиладиган, ҳам юридик шахс сифатида ташкил этилмайдиган ихтисослаштирилган молия институтлари венчур ташкилотлар, фондлар, ширкатлардир (бундан буён матнда венчур ташкилотлар деб юритилади).
Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахслар венчур ташкилотларининг таъсисчиси бўлиши мумкин.

Венчур ташкилотлари:

янги ташкил этилаётган юридик шахсларнинг устав фондида улуш асосида иштирок этишга;

ўз маблағларини янги ишланмаларни амалга ошириш учун гаровсиз, кафиликсиз ва кафолатсиз беришга ҳақли.

Венчур ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъсисчиларнинг қарорига биноан амалга оширилади.

30-модда. Инновация маркази

Инновация маркази инновацион фаолият соҳасида янги гоғларни яратишдан янги ишланмаларни тижоратлаштиришгача бўлган тўлиқ ишлар туркумини амалга ошириш мақсадида юридик шахс шаклида ташкил этилади.

Инновация маркази фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан ibорат:

янги гоғлар ва ишланмалар базасини шакллантириш;

янги гоғларни такомиллаштириш ва кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қўриш (акселерация);

инновацияларга янги гоғлар ва ишланмаларни татбиқ этиш учун моддий-техник шарт-шароитларни таъминлашга кўмаклашиш;

инновацион менежмент бўйича тренинглار ўтказиш;

инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ва уларни амалга оширишга кўмаклашиш;

маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;

янги ишланмаларни бозор талабларига йўналтириш ва мослаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; инновацион фаолият субъектлари ўртасида кооперацияни ривожлантириш;

янги гоғлар, ишланмалар ва технологияларни оммалаштириш мақсадида реклама ва кўргазмага оид хизматлар кўрсатиш.

Инновация марказини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-боб. Инновацион фаолиятни молиялаштириш

31-модда. Инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари

Инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари жумласига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети; Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари;

Инновацион ривожланишни ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жағмармаси;

инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жағмармалари;

венчур жағмармалари;

инновацион фаолият субъектларининг ўз маблағлари;

халқаро грантлар, тижорат банкларининг, шу жумладан чет эл банкларининг ва халқаро молия институтларининг мақсадли кредитлари;

хусусий инвесторларнинг, шу жумладан чет эллик хусусий инвесторлар ва бошқа ҳомиьларнинг маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиҳланмаган бошқа манбалар.

32-модда. Инновацион ривожланишни ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жағмармаси

Инновацион ривожланишни ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жағмармаси инновацион фаолиятни ривожлантиришни молиялаштириш мақсадида ваколатли давлат органи хузурида, юридик шахс шаклида ташкил этилади.

Инновацион ривожланишни ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жағмармасининг маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

устав фондида давлат улуши бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бюортумаларига мувофиқ инновацион фаолиятга оид тадбирларни молиялаштириш;

инновацион фаолият субъектлари томонидан инновацияларни яратиш ва уларни жорий қилишни молиялаштириш;

инновацион, тажриба-конструкторлик ва стартап лойиҳаларини танлаб олиш асосида молиялаштириш;

илмий лабораторияларни замонавий юқори технологияга асосланган асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш), шунингдек зарур сарф материаллари ва бўлғовчи қисмлар билан таъминлаш бўйича тадбирларни молиялаштириш;

илмий фаолият бўйича давлат дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни (патентларни) хорижда рўйхатдан ўтказиш ва патентни сақлаб туриш харажатларининг ўрнини қолаш;

илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг етакчи электрон илмий маълумотлар базаларидан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек халқаро нашрларда илмий натижаларни chop этишга тайёрлаш бўйича харажатларни тўлаш;

олимларнинг етакчи хорижий илмий ташкилотлардаги (марказлардаги, университетлардаги ва бошқа ташкилотлардаги) илмий стажировкаларини молиялаштириш;

илмий ва инновацион фаолият соҳасидаги жалб қилинаётган юқори малакали хорижий олимлар ва мутахассисларнинг харажатларини (меҳнатга ҳақ тўлаш, транспорт харажатлари ва бошқалар) улар билан тузиладиган шартномалар (контрактлар) асосида молиялаштириш.

Инновацион ривожланишни ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жағмармасининг маблағлари қуйидагилар ҳисобидан шакллантирилади:

келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қабул қилишда белгиланадиган миқдорларда устав фондида 50 ва undan ортик фоиз давлат улуши бўлган ҳўжалик жамиятларидаги давлат улуши бўйича ҳисобланадиган дивидендларнинг ҳамда давлат корxonаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига аъраларининг бир қисми; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига патент божларидан, йиғимлардан ва солиқ тоифасига кирмайдиган бошқа тўловлардан келиб тушадиган валюта маблағларининг бир қисми;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари; халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг грантлари ҳамда кредитлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомиьлик маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиҳланмаган бошқа тушумлар.

Инновацион ривожланишни ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жағмармасини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ҳамда тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

33-модда. Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жағмармалари

Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жағмармалари технологияларни яратиш, жорий этиш, ишлаб чиқариш, уларнинг трансфери ва янги ишланмаларни тижоратлаштириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш мақсадида, юридик шахс тузмасдан ташкил этилади.

Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жағмармаларининг маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан ibорат:

инновацион фаолият соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш; инновацион фаолият субъектлари томонидан тақдим этиладиган бюортумаларга мувофиқ инновацион лойиҳаларни, янги ишланмаларни тижоратлаштиришни ва технологиялар трансферини молиялаштириш;

инновацион фаолият субъектларини моддий рағбатлантириш, уларнинг илмий тадқиқотларини молиялаштириш ва кадрлар малакасини ошириш, ушбу субъектларнинг моддий-техника ва илмий-лаборатория базасини мустаҳкамлаш.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТЛАР

ЭЪТИРОФИ

Халқимиз ҳамиша, ҳамма замонларда тиббиёт ходимларини улуглаб келади. Уларга шарафли касб соҳиблари, жамиятнинг илгор қатлами сифатида ҳурмат-эҳтиром кўрсатади.

Кuni кеча Президентимизнинг “Коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, бугунги мураккаб ва синовли кунларда ҳаёти ҳамда соғлигини хавф остига қўйиб, мавжуд хатарларга қарши курашиш, инфекция кенг тарқалишининг олдини олиши, юртимизда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ишларига муносиб хисса қўшаётган бир гуруҳ юртдошларимизнинг фахрий ўнвон, орден ва медаллар билан мукофотланганини нафақат соҳа ходимлари, балки бутун халқимиз юксак кўтаринкилик билан кутиб олгани шундан.

Ана шундай эъзоз ҳамда эҳтиромга сазовор бўлган соҳа фидойиларининг айримларидан дил сўзларини ёзиб олдик.

Дил сўзи

Моҳира СОЛИЖОНОВА,

Фаргона вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг васулли гепатитлар бўлими кичик тиббий ходими, “Соғлом турмуш” медали соҳиби:

— Одам қийинчиликда тобланади, дегани айни ҳақиқат. Шифохонамизда карантин эълон қилинган илк кундан бошлаб, шифокорлар, ҳамширалар, кичик тиббиёт ходимлари энг оғир дамларни биргаликда енгиб ўтиб келямиз. Беморлар тезда тузалавермагач, баъзан турли таъна-дашномлар эшитган пайтларимизда яширинча кўзёш тўккан пайтларимиз ҳам бўлди. Касбиимизга меҳримиз туфайли қийинчиликлар секин-аста ортда қолмоқда, меҳнатимиз юзага чиқаётир. Ҳозирги кунда бизда даволаниб, ҳаётга қайтган қўлбақ беморлар оила даврасида суратларга тушиб жўнатишadi. Рўқий тушкунлик таъсиридаги ноўрин хатти-ҳаракатлари учун уэр сўраб, қайта-қайта миннатдорлик билдираётим.

Шифокорлик масъулятини, машаққатли ва айни пайтда шарафли касблардан. Меҳнатларимиз эътироф этилиб, Президентимиз Фармонига кўра, фарғоналик тиббиёт ходимлари ҳам муносиб рағбатлантирилди. Ана шундай бахтга мушарраф бўлган ҳамкасблар қаторида менинг ҳам борлигим қалбимга чексиз фар-ифтихор бахш этди. Оила аъзоларим, ҳамкасблар, барча яқинлардан кутловларни қабул қилиб олар эканман, чарчокларим унут бўлди. Сидқидилдан меҳнат қилган инсон ҳамиша эъзоз топишига яна бир бор амин бўлдим.

Бу мукофотни қарийб 15 йилдан буён елкама-елка туриб, фаолият олиб бораётган вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг ҳар бир фидойи ходимига берилган баҳо, деб ҳисоблайман. Бундай ишонч ва эътибор бизни халқимиз соғлигини асрашда ўз ҳиссамизни қўшишга руҳлантиради, коронавирус пандемиясига қарши курашиш борасидаги изчил саъй-ҳаракатларда янада фаол бўлишда юксак масъулият юқлайди.

Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жағмармалари қайтарыш шартлари асосида ёки беғараз асосда маблағлар ажратиши, шунингдек инновацион фаолият субъектларининг мажбуриятлари бўйича кафиь сифатида иш юритиши мумкин.

Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жағмармаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Яқунловчи қондалар

34-модда. Инновацион фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Инновацион фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Инновацион фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорлик қуйидагилар асосида амалга оширилади:

манфаатдор хорижий ташкилотлар, жағмармалар ва инвесторлар билан тузилган шартномалар ёки меморандумлар; биргаликда инновацион фаолиятни амалга ошириш, халқаро инновацион дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, уларни амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш; инновацион фаолият соҳасида биргаликда кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини ошириши ташкил этиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш; инновацион фаолият соҳасида халқаро конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, инновацион ярмаркалар (кўргазмалар) ва тадбирлар ўтказиш.

35-модда. Низоларни ҳал этиш

Инновацион фаолият соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

36-модда. Инновацион фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Инновацион фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

37-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

38-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

39-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 24 июль
№ ўРК—630

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИГА КЕЛГАН ЖАВОБЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШДИ

Қонун ижросини таъминлашда камчиликлар мавжуд

Мажлисида ички ишлар вазири П. Бобоқоновнинг "Маъмурий қамқоқ олинган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг биноларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати тўғрисида"ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровига жавоби қизгин муҳокама этилди.

Қайд қилинишича, 2017 йил 9 январдаги "Маъмурий қамқоқни ўтатиш тартиби тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилиниб, унга қўра, махсус қабулхоналар биноларини қуриш белгиланган эди.

Хозирги кунда Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё, Фарғона, Хоразм вилоятларида маъмурий қамқоқ олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган шундай махсус қабулхоналар биноларини қуриш ишлари якунланган бўлиб, фаолияти тўлиқ йўлга қўйилган.

Қорақалпоғистон Республикасида махсус қабулхона қуриш ишлари 2019 йил май ойида қўрага қўйилган бўлса-да, объектни қабул қилиш жараёнида бир қатор камчиликлар аниқланган.

Шунингдек, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида 2019 йилда қурилиши лозим бўлган махсус қабулхоналар 2019 йилда объектлар қуриш ҳамда уларни реконструкция қилиш манзилли дастурига ўз аксини топмаганлиги ва молиялаштирилмаганлиги сабабли қурилиш ишлари вақтинчалик кечиккан.

Самарқанд вилоятидаги махсус қабулхонада қурилиш ишлари жорий йил 25 июль кунига қадар якунланиши ҳамда объектни 1 август кунига топшириш режалаштирилган.

Мажлисида парламент сўровига юборилган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

Чорвачиликни ривожлантириш ҳолати — муҳокамалар марказида

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б. Норқобилоннинг "Мамлакатда чорвачиликни ривожлантириш, шунингдек, чорва маҳсулотларини етиштириш ҳажмини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровига жавоби депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди.

Ушбу парламент сўровига келган жавобда қайд этилганидек, бугунги кунда юртимизда жами 6 миң 445 та чорвачилик ҳўжалиги мавжуд. Жорий йилда чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича жами қўйма ти 3 трлн. 434 млрд. сўмлик 1 172 та лойиҳа шакллантирилиб, ишлар бошланган. Бундан ташқари, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсу-

лотлари билан таъминлаш мақсадида саноат усулида гўшт ҳамда сут ишлаб чиқаришга мўлжалланган 270 та йирик бурдоқчилик ва 260 та йирик сутчилик лойиҳаларини рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Ушбу лойиҳалар доирасида бугунги кунга қадар қўйма ти 600 млрд. сўмлик 236 та лойиҳа амалга оширилган.

Таъкидланишича, юртимизда бугунги кунда 12 млн. 949 миң 700 бош қорамол, шундан 4 млн. 664 миң бош сигир боқилмоқда. Барча тоифа ҳўжалиқларида боқилаётган қорамолларнинг 93,2 фоизи аҳоли хонадонларига, 6,8 фоизи фермер ҳўжалиқларига тўғри келади.

Юртимизда насли қорамоллар сонини ошириш мақсадида мустақкам озуқа базасига эга бўлган,

насли молларни ветеринария талаблари асосида сақлаш ва боқиб имконияти мавжуд чорвачилик ҳўжалиқлари томонидан чет давлатлардан 2019 йилда 30 миң бош, жорий йилда 7 миң бошдан ортиқ насли қорамоллар олиб келинди. Бундан ташқари, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган наслилик ҳўжалиқларида етиштирилган насли молларни етказиб бериш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар ҳўжалиқлари томонидан насли моллар етказиб бериш дастури ишлаб чиқилмоқда.

Андижон вилояти тажрибаси асосида олиvaardи кооперациялар ташкил этилиб, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида 5 миңдан ортиқ хонадонларда



11 миң бош қорамол боқиб бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди ҳамда ўтган давр мобайнида 120 бош қорамол тарқатилди.

Чорва озуқа базаси учун омикта ем ишлаб чиқариш ҳўжмларини кўпайтириш бўйича ҳозирги кунда 12 та лойиҳа ишга туширилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 10 гектар майдонда қурилиш ишлари ва 421 гектар майдонда донли озуқалар экиш учун ер майдони ажратилди. Йил якунига қадар 853 миң 580 тонна қувватдаги 69 та қорхона ишга туширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, халқаро муносабатлар қўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш мақсадида Туркия давлати билан чорва молларини идентификация қилиш, Венгрия билан паррандачилик соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ва Мўғулистон Республикаси билан гўшт ҳамда гўшт маҳсулотларини импорт қилиш масалаларида қелишувларга эришилган.

Озиқ-овқат хавфсизлиги борасида назорат кучайтирилади

Депутатлар яна бир муҳим масала — "Республика ҳудудларини сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан таъминлаш, бу соҳада ихтисослаштирилган қорхоналарни ташкил этиш, тери хом ашёсини тайёрлаш (қайта ишлаш) борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б. Норқобилоннинг жавобини чуқур таҳлил этишди.

Таъкидлаш жоизки, ҳудудларда ҳайвонларни сўйиш ҳамда гўшт сотиб ишлаш шўғулланувчилар томонидан аҳолини гўшт билан таъминлашда ветеринария-санитария норма ва қондаларига тўлиқ риоя қилинмаслиги натижада хавфсизлиги ҳамда сифати кафолатланмаган гўшт ва гўшт маҳсулотларини савдога чиқариш ҳолатлари учрамоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ўртасида турли касалликларнинг келиб чиқиши хавфини кучайтирмоқда.

Чорва молларини сўйиш ишлари илгор технология асосида тизимли йўлга қўйилмаганлиги оқибатда улардан олинган терининг сифати бузилиб, бир томондан, чарм-пойабзал саноати зарар кўрмоқда, иккинчи томондан, гўшт маҳсулотларининг таннаҳрини арзонлаштиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Хозирги кунда замонавий қушхоналар сони ҳам нисбатда камлиги бу борадаги масалаларни ҳал қилиш имконини қамайтирмоқда.

Қонунчилик палатаси депутатлик корпуси томонидан айни йўналишда олиб борилган ўрганишлар, таҳлиллар натижада мазкур масала юзасидан қўйилган палатанин жорий йил 11 июнь кунин ўтказилган Мажлисида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисига парламент сўрови юборилган эди.

Қўмита томонидан тақдим этилган парламент сўровига жавобда қайд этилишича, ҳайвонларнинг белгиланган ветеринария-санитария қондаларига ҳамда нормаларига риоя қилинмасдан сўйилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш мақсадида жойлардаги давлат ветеринария хизмати ҳамда йчки ишлар вазириликнинг карантин тадбирларини таъминлаш бўлима-лари билан ҳамкорликда муайян ишлар йўлга қўйилган. Чўночии, 2019 йил давомида дехқон бозорлари, мол бозорларида, бошқа савдо объектлари ва ярмаркаларда ўтказилган тадбирлар довамида 12873 ҳолатда амалдаги қонун талаблари ҳамда нормаларининг қўпол бузилиш ҳолатлари аниқланадиган, қондаларига нисбатан жами 1,5 млрд. сўм миқдорда зарима қўйилган.

Бундай қўнубузилиш ҳолатлари келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида шу йилнинг ўтган даври мобайнида 7 миңга яқин тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилган.

Белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2019 йилда ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамизнинг туман ва шаҳарларида 70 та ихтисослаштирилган сўйиш қорхонаси, жойдаланишига топширилди. Шу билан бирга, жорий йил якуни билан 24 та ҳамда 2021 йилда 103 та ихтисослаштирилган сўйиш қорхоналарини фойдаланишига топширилиши режалаштирилган.

Тери хом ашёсини тайёрлаш (қайта тайёрлаш) борасида ҳудудий давлат ветеринария хизматлари томонидан ихтисослаштирилган сўйиш қорхоналарида сифатли ҳамда хавфсиз тери хом ашёсини тайёрлашга ҳайвонларни дастлабки ветеринария қўриғинда ва зарурат туғилганда, ҳудудий таъшиш марказларида лаборатория таҳлилларидан ўтказиш ишлари мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Депутатлар айни пайтда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан саналишини эътиборга олган ҳолда, ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар устидан парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш мақсадида мувофиқ эканини қайд этдилар.

Қизгин муҳокама рўҳида ўтган мажлисида парламент сўровига юборилган барча жавоблар маълумот учун қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА (Халқ сўзи).

ҲУДУДИЙ МУАММОЛАР ЕЧИМИ

маҳаллий Кенгашлар депутатлари назоратида

Олий Мажлис Сенатининг биринчи ялпи мажлисида давлатимиз раҳбари демократик ислохотлар моҳияти хусусида тўхталаркан, сенаторлар маҳаллий Кенгашлар ва уларнинг депутатлари фаолиятини тўдан ўзгартиришга, жамоатчилик назоратини кучайтиришга масъул бўлишлари давр талаби эканини таъкидлаб ўтганди. Хусусан, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ишени намунали тарзда йўлга қўйиш ҳамда бу тажриба орқали халқ вакилларининг жамиятда етакчи бўлишларини таъминлаш вазифасини ўртага ташлаган эди.

Сенатор мушоҳадаси

Ўтган қисқа вақт ичида вилоятимизда бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Масалан, Олий Мажлис Сенати ёрдамида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларига сенатор хоналари ташкил этилди. Уларда Кенгашларнинг, доимий комиссиялар раислари ҳамда депутатларнинг мунтазам ишлари учун шароит яратилган. Ўз навбатида, сессияга масалаларни пухта тайёрлаш, сессия қарорлари ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилиш, доимий комиссия йиғилишлари нўфузини ошириш, сайловчилар мувожаатлари билан ишлаш юзасидан семинарлар ўтказилди ва амалий ёрдамлар кўрсатилди. Натижада депутатларнинг фаолиги сезиларли даражада ошди. Буни 26 қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилган муҳокамаларда вилоят Кенгаши депутатлари томонидан 70 га яқин тақлифлар берилгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Масала қизгин муҳокама этилди. Улар юзасидан депутатларнинг ярмидан кўпи муносабат билдирди. Унча икром органи раҳбари ҳисоботи қайтарилди, 5 нафар раҳбарга интизомий чора қўрилди. Демократизми, ошқора муҳокама, адолатли қарорлар ижро ҳокимияти фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам бераётди. Ана шу жараёнлар вилоятдаги ОАВ, ижтимоий тармоқларда ёритилган боис сайловчиларнинг ўз депутатларига ишончи ортиб борапти. Келгуси сессияларимизда ижтимоий тармоқларда онлайн тарзда тўғридан-тўғри узатиш ниятимиз ҳам бор.

Сенат ялпи мажлисида Самарқанд вилояти ҳокимининг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ҳисоботи муҳокамаси ва унда қабул қилинган қарорлар фаолияти-мизда катта аҳамиятга эга бўлди. Сенат ишчи гуруҳи аниқланган камчиликларни бари-тариф этиш юзасидан "Йўл харитаси" тасдиқлади. Ундаги ҳар бир муаммо ижросини назорат қилиш учун фаол депутатлар бириктирилди. Хозирчага бу ишларнинг аксарияти ечимини топди.

Вилоят Кенгаши доимий комиссиялари раислари вилоят телевидениеси орқали аҳоли билан икки марта тўғридан-тўғри мулоқот ўтказди. Айниқса, пандемия шароитида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ўз сайлов округларида камбағалликни қисқартириш, ночор оила-ларни моддий қўллаб-қувватлаш, томорқадан унумли фойдаланиш борасида аҳолига сиқидирилган ёрдам бераётгани, бу борадаги муаммоларга ечим топаётгани депутат ва сайловчилари бир-бирига яқинлаштирипти. Мисол учун, даромад манбаига эга бўлмаган оила-лардан 6 миң 693 тасига амалий ёрдам кўрсатилди, яъни айримларига олиvaardи тадбир-қорликни бошлаш ҳамда томор-қадан фойдаланиши учун кредит ажратилди, баъзиларига касаначиликни йўлга қўйишлари қўллаб-қувватланди.

Намунали Кенгаш сари инти-лиш ишимизга жўшқинлик ба-ғишляпти. Шу боис давлатимиз раҳбарининг қўрсатмаларини яқинда тўлароқ амалга ошириш мақсадида Кенгашда машо олиб ишловчи котибият тузиш тақлифи тушди. Бу тақлиф депутатлар томонидан маъқул-ланди. Синов тарқасида халқ депутатлари Самарқанд шаҳри ва Оқдарё тумани Кенгашлар-рида жорий этилган котибият бу ишларни доимий тарзда олиб боради ҳамда халқ вакиллари фаолиятини яқинда жонлантиришга, Кенгаш фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Илгиник иккинчи ярми учун тузилган режалар янада сал-моқли. Энг аввало, навбатда-ги сессияда вилоят ҳокимининг ўринбосарига Кенгаш сўрови юборишни мўлжаллаганимиз. Ун-дан кейин йил охиригача ҳар ойда битта туман ҳокимининг иқтисодий-ижтимоий ривож-ланиш бўйича ҳисоботини эшитиш йўлга қўйилди.

Фармон ТОШЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Тошкент давлат иқтисодий университетининг ректорати ва қасаба уюшма қўмитаси университетнинг Ёшлар ишлари агентлиги бошланғич ташкилоти етакчиси Исмом Зайнутдиновга отаси Самарийдин АМОҲОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди жамоаси уюшма аъзоси АЗИЗ Саидга отаси ЖўРА БОБОНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этиди.

Тошкент давлат иқтисодий университетининг ректорати ва қасаба уюшма қўмитаси университетнинг Жисмоний маданият ва спорт кафедраси ўқитувчиси Маҳкам Нигмановга отаси Мамуржон НИГМАНОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор қилади.

«СУПЕР КАСАЛЛИК ТАШУВЧИЛАР» КИМЛАР?

Айни пайтда COVID-19 пандемияси жаҳон бўйлаб кенг тарқалиб, дунё ҳамжамиятининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига, айниқса, одамлар саломатлигига жиддий таҳдид тугдирмоқда. Глобал пандемиянинг иккинчи тўлкини, хусусан, Марказий Осиё давлатларида ҳам тобора авж олиб бораётгани барчамизни оғоҳ ва ҳушёр бўлишга чорламоқда. Таассуфки, коронавирус эпидемиясига нафақат биз, балки жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари ҳам тайёр эмаслиги, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ҳамда бошқа соҳаларда жиддий муаммолар мавжудлиги аён бўлиб қолди. Бундай шароитда, биринчи навбатда, тиббиёт соҳаси катта босим остида қолиб, вирус юктирган беморларга кенг қамровли ва шошилинч тиббий хизмат кўрсатишга оғирлик қилишмоқда.

Оғоҳлик

Ўзбекистонда тарқалиш саломамлигини сақлаш, вирус тарқалишининг олдини олиш ҳамда унга чалинганларга тезкор, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда карантин тартиби ва чекловлари қайтадан кучайтирилди. Бундан кўзланган энг асосий мақсадлардан бири, бу — аҳолини вирусдан ҳимоя қилиш ҳамда инфекция тарқалиши "занжири"ни узишдан иборатдир. Чўнки коронавирусга қарши вакцина экани унинг давоси топилмаган шароитда пандемияни жилволашининг энг самарали усули карантин қондаларига қатъий ва истисносини риоя қилиш эканлигини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) эътироф этганидек, бугунгача эришилган тажрибалар яққол кўрсатмоқда. Шу боис Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи изоляция қилиши ва ўзаро ижтимоий масофани сақлаши орқали вирус тарқалиши йўллари кечлаш, беморларни аниқлаш ҳамда эпидемия ўчоқларининг кенгайишига йўл қўймаглик бўйича фаол чоралар қўрилмоқда.

Қайд этиш жоизки, карантин чекловлари қайта жорий қилинишига бир қатор омиллар сабаб бўлди. Жумладан, Республика махсус комиссиясининг маълум қилишича, аввалги карантин қондалари қисман ошмайтилиши биланоқ кўпчилик энг енгил талабларга ҳам риоя қилишни тўхташиб, оммавий тадбирлар, хусусан, тўйлар ва бошқа маросимларни тиббиёт ни-

қобларисиз, ижтимоий масофа сақла-маган ҳолда, белгиланган қўрсатма-ларга қарамай ўтказишга киришди. Натижада аксарият ҳолатларда, одам-ларнинг бепарволиги ёки эътибсиз-лиги сабабли мамлакатимизда июль ойининг биринчи ҳафтасида корона-вирусга чалинган беморлар сони 2167 нафарга қўнайиб, шундан 58 фоиз ҳолат аҳоли орасида аниқланган. Ав-валги карантин даврида 16 мартдан 10 майгача касаллиқнинг ҳолатлари сони 2 418 тани ташкил этган бўлса, карантин чоралари юмшаганидан сўнг 10 майдан 9 июлгача бўлган даврда бу кўрсаткич кескин ошиб, 9 029 тага етди. Сўнгги кунларда эса кўнлик ан-тирекорд яна янгиланди, 13 июлда Ўзбекистонда 594 кишида коронави-рус қайд этилиб, улардан 322 нафар аҳоли орасида аниқланди. Энг ачи-нарлиси, беморлар орасида ўлим сони ҳам ортиб бормоқда.

Агар жаҳон тажрибасига назар солсак, карантин қондаларига риоя қилмай тартиб-таомиларни бузган-лик учун қўллаб-мамакатларда қаттиқ жаза чоралари қўлланоқда. Масалан, Америка Қўшма Штатларида агар бир киши мажбурий изоляцияни бузган ва бошқаларга вирус юктирган бўлса, унга 100 миң доллар жарима ёки 1 йилга қамқоқ жазоси берилиши мум-кин. Испанияда уйини узрали сабаб-ларисиз тарқатгани учун карантин даврида жарималар миқдори 600 дан 10,4 миң еврогача миқдорда белги-ланган. Францияда карантин қонда-

ларига мунтазам равишда амал қил-маслик 6 ойгача ҳибсга олиш ва 3700 евро жарима қўллаш билан жазоланади.

Ўзбекистонда карантин режимининг қайта кучайтирилиши, кўпчилик таса-вур қилганидек, тўлиқ блоклаш эмас, балки асосан, хизмат кўрсатиш, умум-ий овқатланиш соҳалари, яъни одам-ларнинг оммавий тўпланиши билан боғлиқ бўлган тармоқларга тегишли бўлди. Карантин режимини кучайти-ришнинг ушбу зарур чоралари вирус тарқалишини секинлаштиришга ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидаги вазиятни барқарорлаштиришга муҳим аҳамият касб этади. Сабаби Респу-блика махсус комиссияси маълумотида кўра, июль ойининг биринчи ҳафтаси-га келиб Ўзбекистон соғлиқни сақ-лаш тизими катта босимга дуч келди.

Мавжуд соғлиқни сақлаш муасса-салари қуввати COVID-19га чалинган беморларни қабул қилиш учун етарли қувватига ҳамда қатъий карантин чораларини қўлламаслик коронавирусга чалинганларни стационар даволаш учун касалхоналарда жой қолмаслиги ва улар билан ишлаш учун шифокор ҳамда тиббиёт ходимларининг етиш-маслигига олиб келиши мумкинлиги, шунинг учун жорий карантин чоралари натижадаги танаффуслар соғлиқни сақ-лаш муассасалари, шифокорлар, тиб-биёт ходимларига бўлган босимни ошмайтиш ва август ойида мамлакат иқтисодийсини тиклашда давом этиш учун зарур эканлиги билдирилди.

Республика махсус комиссияси рас-мин статистика фақат аниқланган касал-ланган ҳолатларини қайд этиб, ҳақиқий ҳолат бошқа мамлакатларда-ги каби бир неча баробар фарқли бўлиши мумкинлиги ҳамда симпто-миз беморларнинг аниқ сонини эса ҳисобга олишининг имкони йўқлигини эслатиб ўтди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, симптомсиз беморлар билан боғлиқ ҳолат туфайли вирусни назоратга ол-диқ, деб эълон қилган давлатларда (Сингапур) коронавируснинг иккинчи тўлкини авж олгани ҳамда эпидемио-логик ҳолат яна кескин ёмонлашгани-га гувоҳ бўлдиқ.

Айрим тадқиқот натижаларига қара-ганда, коронавирус тарқалишининг ик-кинчи тўлкини авж олишига COVID-19нинг симптомсиз тарқатувчилари сабаб бўлган бўлиши мумкин. Яъни сўнгги кунлардаги касалланганлар со-нининг кескин ўсишида фақат битта омилни кўрсатиш ёки фақат давлат-лар соғлиқни сақлаш тизимларини айблаш нотўғри. Бунга, биринчидан, COVID-19нинг ўзига хос симптомсиз кўринишининг хусусияти, иккинчидан, унинг юқиб ёки тарқалиш жараёнига тўғрисида фанда ишонarli далиллар-нинг ҳали тўлиқ қилинмагани саба-баб бўлмоқда.

АҚШ Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш маркази эълон қил-ган тадқиқот натижаларига қара, ко-ронавирусга чалинганларнинг деярли 50 фоизга яқинига вирус "симпто-миз ташувчилар" томонидан юктирил-ган бўлиши мумкин. АҚШлик доктор Рон Елфенбеин касаллик алломати бўлмаган беморлар энг ашаддий ви-рус ташувчилар бўлиб, аҳоли орасида коронавирус авж олишига улар сабаб-чи бўлиб қолишлари мумкинлигиндан оғохлантирди. Докторнинг фикрича, симптомсиз беморлар "супер касал-лик ташувчилар" ҳисобланади.

Англиянинг Ирландия институти (Earlham Institute) профессори Нил Холл қўрилаётган чораларга қарасандан, глобал пандемиянинг кучайиб бораётгани симптомсиз тарқатувчи-лар билан боғлиқ бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Сабаби "супер касаллик ташувчилар" COVID-19ни юктиришга-нини ўзлари ҳам билмай, касаллик алломатларисиз аҳоли орасида вирус-ни тарқатиб юришлари мумкин. Бун-дай ҳолат жорий йил бошдан бунён тажрибада ҳам учраган. Жумладан, "симптомсиз ташувчилар" ва бемор-лар Япония соҳилларида сузишга чиқ-қан "Малика Даймонд" круиз кемаси-да бўлганларда аниқланган. Текширув натижаларига қара, вирусга чалинган-ларнинг тўртдан ўз қисми симпто-миз беморлар бўлган. Хитойда ўтказилган тадқиқотда эса симптомсиз беморлар сони касаллик белгилари яққол кўринган инсонларга нисбатан анча кўпни ташкил этган.

Оксфорд университети профессори Карл Хенеганнинг ҳулосасига қўра, агар коронавирусга таҳлиллар Буюк Британияда бўлганидек, фақат касал-лик белгилари аниқ кўриниб турган беморлардангина олинса, қўллаб ҳолатлар кўздан қочирилиши мумкин. Профессорнинг фикрича, касаллик тарқалишининг олдини олиш ва назо-ратини бир қисми сифатида аломат-сиз тарқатувчиларга алоҳида эътибор қилиш лозим.

Яна бир эътиборли жиҳат шундан иборатки, Европа Иттифоқи кузда грипп ва COVID-19 эпидемиясининг янги тўлкини бир вақтда авж олиши-нинг олдини олиш мақсадида эъзо давлатларга аҳолини гриппга қарши оммавий эмлашга қажирмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда ҳам қуз-қиз масуми яқинлашиши билан аҳоли орасида, айниқса, ёш болалар-нинг тез-тез шамоллаб, иситмалаш ҳолатлари сезиларли даражада кўпаяди. Бу, ўз навбатида, тиббиёт муассасалари янада кўпроқ беморлар-нинг мувожаатларига ва соғлиқни сақ-лаш тизимининг эса қўшимча босим-га таъйёр туришини талаб этади. Шу-нинг учун ҳам жорий карантин чора-ларига қатъий амал қилиб, куз мав-сумига қадар вазиятни тўлиқ назо-ратга олиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кўриниб турибдики, бундай шароитда фуқароларнинг соғлом ёки бегоб бўлишиндан қатъий назар, карантин тартибларига риоя этиши, тиббиёт никоьларини тўғри тақшиш, шайхий гиғна ва санитарияга амал қилган ҳолда ижтимоий масофани сақ-лаш ҳамда бошқаларни ҳам асраш мақсадида ўзини ўзи изоляция қили-ши вирус тарқалишининг олдини олиш ва тўхтатишининг энг самарали йўли ҳисобланади. Шу билан бирга, бу ҳолат фуқаролардан коронавирус пан-демиясига бепарволик ҳамда ишонсиз-лик билан қарамаслик, турли миш-мишларга ишониб қолмаслиқни талаб этади. Чўнки бугунги кунга келиб, коронавирус дунё бўйлаб ми-нинг-миңлаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун халқи-миз, оиламиз ва фарзандларимиз са-ломатлиги ҳамда ҳаётига нисбатан бефарқ бўлмаслик ҳозирги вазиятда жуда муҳим.

Феррух ҲАКИМОВ, «Тараққиёт стратегияси» маркази лойиҳалар координатори.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғига Ғ — 756. 34 148 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Өсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетанин хажида маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коддини телефониниз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; К